

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2024 йил 23 июль куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: Н.Раимкулов, ҳайъат судьялари: Т.Вахобов ва Ф.Сиддиқовадан иборат таркибда, М.Умурзақовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори М.Эрматов, ҳимоячи И.Низомовнинг иштирокида, Г.И ва бошқаларга оид жиноят ишини Г.Ининг тафтиш тартибидаги шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 18 январдаги ҳукмига кўра:

1993 йил 24 июнда, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, икки нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2013 йил 14 мартдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси тартибида ярашувга асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 9 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 2 йил шартли синов муддати белгиланиб, 2014 йил 14 ноябрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;

3) жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2015 йил 11 августдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 35 баравари миқдорида 4.144.000 сўм жарима жазосига;

4) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2016 йил 20 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 35 баравари миқдорида 4.144.000 сўм жарима ва 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 3 йил шартли синов муддати белгиланган;

5) жиноят ишлари бўйича Данғара туман судининг 2017 йил



21 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖК 127-моддасининг 3-қисми, 166-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 267-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

б) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2017 йил 27 июлдаги ҳукмига кўра, ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 267-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддаси тартибида 4.144.000 сўм жарима ва 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2023 йил 17 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддаси тартибида ўталмай қолган 3 йил 10 ой 5 кун жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ўталмаган жазоси 3 йил 7 ой 5 кунни ташкил қилади, жарима жазосининг 2.144.000 сўми тўланмаган, вақтинча ишсиз, 52-уй, 18-хонадонда яшаган, иш бўйича шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланган Г.И.Б

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан 4 йил, ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил, ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш ва 2.144.000 сўм жарима жазосига судланиб, ЖК 34-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 3 апрелдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Г.И 2023 йил 27 июль куни соат 23 ларда М.Ахмедов ва И.Шониёзова билан бирга Фарғона шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси, 5<sup>б</sup>-уйда жойлашган “Дилсарой” номли ошхонага боришиб, ошхона эгаси У.Давранов билан сунъий жанжал чиқаришиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, уни ҳеч бир сабабсиз қўллари ва ошхона анжомлари билан уришиб, бўйин ва биқин соҳасига пичоқ тирашиб, умум эътироф этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасдан, уни шарманда қилиш мақсадида, эгнидаги шўртигини ечишга мажбурлашиб, ушбу безорилик ҳаракатини олдини олиш чорасини кўрган А.Мирзамуродовга қаршилиқ кўрсатишиб, унга енгил тан жароҳати етказишганликда;

шу билан бирга, жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Г.И хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, М.Ахмедов билан бир гуруҳ бўлишиб, У.Даврановга ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатишиб, эгнидаги шўртигининг чўнтагида бўлган 1.500.000 сўмини очикдан-очиқ талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

Г.И шикоятда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраган.

Судлов хайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Н.Раимкуловнинг брузасини, прокурор М.Эрматовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, моячи И.Низомовнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини



тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукми ва кассация инстанцияси суди ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд қарорларида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Г.Иинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги, жабрланувчилар У.Давранов ва А.Мирзамуродов, гувоҳлар Г.Зокирова, Х.Қорабоев ва Р.Жумаевнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек, хабарнома, ариза, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари, фотоиловалар, суд-тиббий экспертизасининг хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракати ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди ва 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Суд Г.Иининг илгари оғир ва ўтар оғир жиноятлари учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, судланганлик ҳолати тугалланмай қасддан оғир жиноят содир этганлиги учун 5 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги учун уни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақида тўғри хулосага келган бўлсада, бироқ бунга унинг 2017 йил 21 апрель ва 2017 йил 27 июлдаги суд ҳукмлари билан судланганлик ҳолатларини асос қилиб олиб техник хатоликка йўл қўйган.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд ҳукмининг тавсиф қисмига Г.Ини ўта хавфли рецидивист деб топишда унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2016 йил 20 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 35 баравари миқдорида 4.144.000 сўм жарима ва 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига ва жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2017 йил 27 июлдаги ҳукмига кўра, ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 267-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддаси тартибида 4.144.000 сўм жарима ва 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлик ҳолатларини асос қилиб олиш ҳақида аниқлик киритишни лозим топади.

Суд Г.Ига жазо тайинлашда, ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 6-бандидаги, судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир



этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, у томонидан содир этилган жиноят – ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солиши жиҳатидан қонунда ўта оғир жиноятлар тоифасига киритилганлиги муносабати билан ижтимоий хавфли ҳисобланишини эътиборга олиш билан бирга, айбига иқдор ва қилимишидан пушаймонлиги, унинг шахси, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида илгари қасддан жиноят содир этиб, яна қасддан мастлик ҳолатида жиноят содир этганлигини эътироф этган ҳолда, унга мазкур содир этган жиноятлари учун ЖКнинг 57-моддасини қўлламай, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, адолатли хулосага келгани сабабли шикоят важлари билан келишиб бўлмайди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши белгиланган.

Шу сабабли, тафтиш инстанцияси Г.Ига оид суд ҳукми ва кассация инстанцияси суди ажримини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 521<sup>4</sup> ва 521<sup>6</sup>-моддаларига асосланиб, тафтиш инстанцияси

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Г.И.Бга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 18 январдаги ҳукми ва Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 3 апрелдаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:	/имзо/	Н.Раимкулов
Ҳайъат судьялари:	/имзо/	Т.Вахобов
	/имзо/	Ф.Сиддиқова
Нусхаси аслига тўғри:		
вилоят судининг судьяси		Н.Раимкулов



ислик қилувчи:

Н.Раимкулов

Ҳайъат судьялари:

Т.Ваҳобов

Ф.Сиддиқова

Ҳужжат имзоланган: Раимкулов Нодиржон Носирович, 27.07.2024



Хужжат имзоланган: Раимкулов Нодиржон Носирович, 27.07.2024



Хужжат имзоланган: Раимкулов Нодиржон Носирович, 27.07.2024



Хужжат имзоланган: Раимкулов Нодиржон Носирович, 27.07.2024



Хужжат имзоланган: Раимкулов Нодиржон Носирович, 27.07.2024

